# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№8 (1135), 2018 йил 22 февраль


## Банк кўмагидаги навбатдаги инновацион кластер

**Бухоро вилоятида маҳаллий хомашё – қўй жунини қайта ишлаш имконини берувчи замонавий ишлаб чиқариш – кластер мажмуаси «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкининг молиявий кўмагида ташкил этилмоқда.**

Сур терига дунё бозорида талаб доимо юқори. Унинг товланувчан ранги, толасининг майинлиги ва ўзига хос нақши кўпчиликнинг эътиборини тортади. Шу боис мамлакатимизда бу борада ички имкониятлари юқори бўлган ҳудудлар – Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликларни ташкил этишга катта эътибор бериб келинмоқда.

Президентимиз томонидан 2017 йил 16 мартда қабул қилинган «Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорда эса, чорвачиликнинг ушбу соҳасини янада такомиллаштириш, экспорт имкониятларини ошириш вазифалари белгилаб берилди.

Ҳужжатга мувофиқ, янгидан ташкил қилиниши режалаштирилган мажмуа лойиҳаси Бухоро вилоятининг Когон туманидаги «KOMTEKS PPOSH» МЧЖга қарашли бўлиб, унинг асосида аҳолидан қўй жунини сотиб олиш, уни қайта ишлаш, саноат маҳсулотларини тайёрлаш ва хорижий давлатларга экспорт қилиш бўйича янги инновацион кластер ишга туширилади.

*(Давоми 5-бетда).*

## Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захиралари

### (2018 йил 1 февраль ҳолатига)

**«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири сифатида республика олтин-валюта захираларини сақлаш ва бошқариш белгиланган.**

Олтин-валюта захираларини ҳисоблаш методикаси Халқаро валюта жамғармасининг стандартлари асосида юритилади. Олтин-валюта захираларининг таркиби хорижий валюта активлари ва қуйма шаклидаги монетар олтиндан иборат.

Олтин-валюта захираларини самарали бошқариш мақсадида Марказий банк томонидан захираларнинг ялпи ва соф қийматлари ҳисоби юритилади.

Соф олтин-валюта захиралари тижорат банклари ва давлат бошқаруви органларининг (Молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бундан мустасно) Марказий банкда очилган ҳисобварақларидаги валюта маблағларини, яъни Марказий банкнинг ушбу ташкилотлар олдидаги мажбуриятларини ҳисобга олмайди.

**Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захиралари** *(млн. АҚШ долларида)*

| Кўрсаткичлар | 01.01.2017 й. | 01.01.2018 й. | 01.02.2018 й. |
|---|---|---|---|
| I. Ялпи олтин-валюта захиралари | 26 428.83 | 28 076.91 | 28 774.55 |
| 1. Хорижий валютадаги активлар | 14 172.25 | 14 042.81 | 14 775.90 |
| 2. Монетар олтин | 12 256.58 | 14 034.10 | 13 998.65 |
| II. Соф олтин-валюта захиралари | 25 188.30 | 26 567.50 | 27 250.05 |

*Манба: www.cbu.uz сайти*

## «Алоқабанк» ва ОТБ: ҳамкорлик пойдевори йўлидаги келишув

**Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк» ва Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ўртасида мамлакатимизнинг кичик бизнес соҳаси учун савдони молиялаштириш йўналишида ҳар йили 5 млн. АҚШ доллари ҳажмида кредит ажратилишига доир келишув имзоланди, деб хабар беради finance.uz сайти.**




ОТБнинг Савдони молиялаштириш дастури (TFP) доирасида ажратиладиган мазкур маблағлар иқтисодиётимизнинг истиқболли тармоқларидаги кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Имзолаш маросимида ОТБнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси раҳбари Такео Кониши ҳамда АТ «Алоқабанк» Бошқаруви раиси ўринбосари Ҳасан Раҳматов иштирок этдилар.

ОТБнинг Савдони молиялаштириш дастури эҳтиёж мавжуд бўлган пул маблағларини ҳамкор банклари орқали кафиллик ва қарз тақдим этиш асосида қаноатлантиришга йўналтирилган. Дастурнинг асосий мақсади хусусий тармоқ вакиллари капиталини мобиллаштириш ва фаоллаштириш орқали мамлакатдаги иқтисодий ва бизнес жараёнларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

*(Давоми 4-бетда).*

## Мақсад – халқ розилиги

**Бугун банк тизими ҳақида гап кетганда, уни иқтисодиётимизнинг асосий локомотивларидан бири дея, таъриф бериш мумкин. Зеро, тижорат банкларининг замонавий хизматлари мижоз ва ҳамкорларнинг ишончини тўла оқлаб, иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда, деб хабар беради finance.uz сайти.**

Банкларнинг тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши эса улар сафининг янада ортишига, минглаб янги иш ўринлари пайдо бўлишига замин яратмоқда.

Банкларда «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили асосида иш юритилиши ютуқларнинг асоси бўлмоқда десак, янглишмаган бўламиз. Айниқса, 2017 йил банк тизимидаги изчил ислоҳотлар ва инновацион технологияларнинг кенг жорий этилиши халқимизнинг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

*(Давоми 5-бетда).*


УШБУ СОНДА:

**Қонунчилик**
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари. *3-бет.*



**Банк ва бизнес**
Банк кўмагидаги навбатдаги инновацион кластер. *5-бет.*

**Статистика ва таҳлил**
«Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси» АЖ ва «Тошкент» РФБ савдоларидаги ўзгаришлар. *6-7-бетлар.*



# Миллий банк кинематографияни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда

**Жорий йил давомида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан миллий кинематографияни ривожлантириш мақсадида 52 та кинотеатрни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаси амалга оширилади, деб хабар беради finance.uz сайти.**



Бугунги кунда мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг устувор вазифалари барча тармоқлар қаторида кино санъати фаолиятини ҳам такомиллаштириш, соҳа ривожи учун янги имкониятлар яратишни талаб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифи давомида республика минтақаларида намунавий, жумладан, ёзги типдаги кинотеатрлар қурилиши ҳамда «мобиль кинотеатрлар»нинг ташкил этилиши бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

«Миллий кинематографияни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3176-сонли Қарорда акс этган мазкур ишлар ТИФ Миллий банки томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши белгилаб берилган.

*(Давоми 5-бетда).*

# «Asia Alliance Bank»дан автокредит

**Жисмоний шахсларга автотранспорт воситаларини кредит ҳисобига сотиб олиш имконини берувчи истеъмол кредитлари «Asia Alliance Bank» акциядорлик-тижорат банки тизимида ҳам йўлга қўйилди.**







Бундай кредит мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва ички бозорда расмий дилерлар тармоғига эга «GM Uzbekistan» АЖ автомобилларини харид қилиш учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида, шунингдек, банкнинг минтақавий филиали мавжуд бўлган ҳамда банкда миллий валютада талаб қилиб олинадиган даражагача депозит ҳисоб рақами очилган вилоятларда доимий рўйхатда турувчи ва муқим иш ўрнига эга резидент (қарз олувчи)га тақдим этилади.

Кредит қарз олувчи томонидан автомобиль нархининг 25 фоизи миқдори дастлабки бадал тўлови кўринишида тўлаш шарти билан берилади. Автокредит учун тўланадиган йиллик устама унинг муддатига боғлиқ бўлиб, бунда мижоз томонидан 3 йилга қарз сўралса, йиллик 26 фоиз, 4 йилга – 27 фоиз, 5 йилга эса – 28 фоиз этиб белгиланган. Кредитлашнинг тўлиқ муддати учун суғурта мукофоти сўралган кредит суммаси таркибига киритилиши мумкин.

Кредит гарови сифатида банкдан қарз ҳисобига олинаётган автотранспорт воситаси (асосий гаров) ҳамда мазкур молия муассасаси талабини қондирадиган бошқа таъминот турлари (қўшимча) қабул қилинади. Бунда гаров суммаси кредит ҳажмининг 125 фоиздан кам бўлмаган миқдорини қоплаши лозимдир. Қарз олувчи томонидан асосий қарз ва фоизлар ҳар ойда тенг миқдорда (аннуитет) тўлаб борилади.

Автокредитни расмийлаштириш учун мижоздан талаб қилинадиган ҳужжатлар – ариза, иш жойидан охирги 12 ой давомида олган даромад ҳажмини тасдиқловчи маълумотнома (ёки шу каби бошқа ҳужжат), яшаш жойидан маълумотнома, автомобиль сотиб олиш шартномаси ҳамда давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш ва СТИР тўғрисида гувоҳнома нусхаларидан иборатдир.

*Finance.uz.*

# БАНКЛАРДАН ХАБАРЛАР

## «ТРАСТБАНК»ДАН «АВТОКРЕДИТ» ХИЗМАТИ

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки жисмоний шахсларга қулайлик яратиш мақсадида қулай ва осон шартлар асосида «Автокредит» хизмат турини тақдим этади, дея маълум қилмоқда банк Ахборот хизмати.

Кредит 3 йил муддатга йиллик 22-24 фоиз миқдорида тақдим этилади.

## «МИКРОКРЕДИТБАНК» – «ЭНГ ЯХШИ ИШ БЕРУВЧИ БАНК»

Тошкент молия институтида 2017-2018 ўқув йилида институтни битирувчи бакалавр ва магистрларни иш жойларига тақсимлаш мақсадида ташкил этилган «Карьера куни»да «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаол қатнашиб, «Энг яхши иш берувчи банк» номинацияси бўйича ташаккурнома билан тақдирланди.

## «АЛОҚАБАНК»НИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГИ ЯНГИЛАНДИ

2018 йилнинг январь ойида «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги томонидан акциядорлик-тижорат «Алоқабанк»ка берилган рейтинг баҳолари янгиланди, дея хабар беради банкнинг Маркетинг бўлими.

Хусусан, миллий валютадаги депозитлар бўйича рейтинг кўрсаткичи «B1/NP», хорижий валютадаги депозитлар бўйича «B2/NP», контрагент рискини баҳолаш бўйича «B1 (cr)/NP (cr)» даражасида тасдиқланди. Банкнинг барча рейтинглари истиқболи «Барқарор» дея қайд этилган.

«Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги экспертларининг таъкидлашича, рейтингни белгилашда банкнинг узоқ давр мобайнида капиталлашув даражасининг яхшилиги ҳамда фойдалилик ва капитал етарлилигининг барқарор молиявий кўрсаткичларга эга эканлиги инобатга олинган.

Маълумот учун айтиш жоизки, АТ «Алоқабанк» «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги билан банкка халқаро рейтинг баҳоларини тақдим этиши юзасидан 2008 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда.

*Жасур МИРЗАЕВ тайёрлади.*

# «Қишлоқ қурилиш банк»да омонатчилар хавфсизлигининг ишончли тизими

**«Биометрик идентификациялаш» дастурий тизимининг афзалликлари нимада?**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида тижорат банкларини илғор банк амалиёти асосида фаолият юритадиган тизимга айлантириш, уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг банк тизимига ишончини янада кучайтириш, хизмат турларини кенгайтириш, банк хизматлари жозибадорлигини ва сифатини ошириш масалалари республика тижорат банклари олдидаги устувор вазифалар этиб белгиланди.

Мазкур Қарор ижросини таъминлаш доирасида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки томонидан «Биометрик идентификациялаш» дастурий тизимидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Бу тизим «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонун асосида фуқароларнинг банкдаги омонатларини ҳимоялашни янада кучайтириш, омонатлар билан боғлиқ операцияларни мижозларнинг иштирокисиз амалга оширилмаслигини қатъий назоратга олиш мақсадида жорий қилинган. Бунда омонатлар дахлсизлигини таъминлаш учун шахснинг бармоқ излари намунасидан фойдаланилади. Амалиётда бугунги кунда «Биометрик идентификациялаш» дастурий тизими энг ишончли усуллардан бири ҳисобланади.

Тизим омонат ҳисобварақларидаги маблағлар билан боғлиқ барча операцияларни омонат эгаси бўлган мижознинг бевосита иштирокисиз амалга ошириш имкониятини бермаслиги, омонат маблағларига нисбатан банк ходимларининг дахлсизлиги таъминланиши, омонатчиларнинг маблағлари хавфсиз ва бут сақланишига эришилиши билан боғлиқ афзалликларга эга.

Бу каби замонавий хизматлар «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ омонатчилари сони йилдан-йилга муттасил ошиб боришини таъминламоқда. Банк томонидан айни вақтда 20 та доимий омонат турларига маблағлар жалб этилмоқда. 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкдаги жами омонатлар қолдиғи 338,5 млрд. сўмни ташкил қилди ва бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 53,8 фоизга ўсди.

*Бекзод АКРОМОВ.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 январь куни 2711-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/11-сонли қарори (рўйхат рақами 2711, 2015 йил 26 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 460-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки раиси в.в.б.** **Т. ИШМЕТОВ**

*Тошкент ш.,*
*2017 йил 16 декабрь, 34/9-сон*

*Ўзбекистон Республикаси*
*Марказий банки Бошқарувининг*
*2017 йил 16 декабрдаги 34/9-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

## Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«электрон оферта – омонат шартномасининг барча асосий шартларини ўз ичига олган, оферта қилувчи шахснинг жавоб қайтарган шахс билан офертада кўрсатилган шартлар асосида шартнома тузишга хоҳиш иродасини билдирувчи таклиф (бундан буён матнда оферта деб юритилади).».

2. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Банк омонати шартномаси омонатчилар ва банк ўртасида ёзма шаклда тузилади, бундан мазкур банкда ҳисобвараҒи очилган жисмоний шахслар томонидан оферта асосида қўйилган омонатлар мустасно. Банк ва омонатчилар ўртасида банк омонати шартномаси, омонат суммаси банк кассасига қабул қилинган ёки омонат ҳисобварағига тегишли маблағ нақд пулсиз келиб тушган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Оферта асосида омонатлар офертани электрон шаклда акцептлаш орқали қўйилади.

Офертани белгиланган муддатда олган шахснинг акцептлаш мақсадида унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари, агар қонун ҳужжатларида ёхуд офертада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки қайд этилмаган бўлса, акцепт ҳисобланади.

Муомала лаёқатига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс ўз номига ва бошқа шахс номига омонат қўйиши, ўзининг банк омонат ҳисобварағидаги маблағини ўзи ёки вакили орқали мустақил тасарруф этиши, шунингдек, бошқа шахслар омонат маблағларини тасарруф этиш учун вакил бўлиши мумкин.».

3. 11-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи ва саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Тижорат банклари ўзларининг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ масофадан омонатларга маблағлар жалб қилиш ҳамда омонатлар билан боғлиқ барча амалиётларни бажариш имкониятини берувчи дастурлар ҳамда омонат турларини ишлаб чиқишлари ва амалиётга жорий қилишлари мумкин.

Банклар жисмоний шахсларнинг омонат операцияларини амалга оширишда банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали қонун ҳужжатларида белгиланган барча ҳисобварақлардан фойдаланадилар.»;

еттинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Омонатчилар банк пластик карта ҳисобварақлари ва бошқа омонат ҳисобварақлари бўйича мобиль иловадан фойдаланган ҳолда ёки шахсий кабинет орқали барча омонат операцияларини амалга оширишлари мумкин.

Банк пластик карта ҳисобварақлари ва бошқа омонат ҳисобварақлари бўйича мобиль илова ёки шахсий кабинет орқали фойдаланиш омонатчилар томонидан ихтиёрий равишда танланади.

Банк пластик карта ҳисобварақлари ва бошқа омонат ҳисобварақлари бўйича мобиль илова ёки шахсий кабинет орқали фойдаланиш тартиби мазкур Йўриқномага, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига (рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август) ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.».

5. 15, 16, 100 ва 114-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 31-банднинг иккинчи хатбошисидаги «бўйича» деган сўз «талаб қилиб олингунча омонатлар ҳисобварағига ўтказилади ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 37-банднинг иккинчи хатбошиси «муддатли омонатлар бўйича» деган сўзлар «талаб қилиб олингунча омонатлар ҳисобварағига ўтказилади ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 50-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилари билан тўлдирилсин:

«Мазкур банд талаблари ушбу банкда ҳисобварағи очилган жисмоний шахслар томонидан оферта асосида қўйилган омонатлар бўйича татбиқ этилмайди.

Тижорат банкларида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали бошқариладиган депозит ҳисобварақларига доир омонатлар бўйича алоҳида модуль яратилиб, кунлик реестри ва мониторинги олиб борилади.

Мижозлар учун банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали бошқариладиган депозит ҳисобварақларига доир омонатлар бўйича барча маълумотлар электрон тарзда шакллантирилади ва омонатчига электрон тизимлардан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида мониторинг қилиш имконияти яратилади.».

9. 57-банддаги «ёпилган тақдирда,» деган сўзлар «ёпилганда ёки омонат ҳисобварағида қолдиқ қолмаганда,» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 60-банднинг 3, 4, 6 ва 14-кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

11. 69-банднинг еттинчи хатбошисидан «ҳамда мазкур йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ «Аҳоли омонатлари бўйича нақд пул маблағларининг берилишида омонатчиларнинг мурожаатларини қайд этиш дафтари»» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

12. 72-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Мижоз унга тегишли пластик картаси очилган ёки уни идентификациялаш бўйича бошқа усулларига эга бўлган банк доирасида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали бошқариладиган депозит ҳисобварақлари бўйича белгиланган тартибда ҳисобварақ очиш, уларни юритиш ва ҳисобварақларни ёпиш электрон тарзда амалга оширади.

Бир банк ичида реал вақт режимида омонат маблағларини жойлаштириш, уларни олиш ва қўшимча пул маблағларини қўйиш билан боғлиқ операциялар Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1552, 2006 йил 13 март) билан муҳофаза қилинади.».

13. 74-банддан иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

14. 75-банддан «Сўнгги назоратга хабарномада,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

15. 76-банднинг биринчи хатбошиси «бир марталик операция» деган сўзлар «бир марталик операциялар, шу жумладан, халқаро пул ўтказмалари бўйича келиб тушган маблағлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 93-банддан «ёзувидан кейин ва Сўнгги назоратга хабарномада қайси ҳужжатга асосан омонат хатланганлиги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

17. 95-банддан «ва Сўнгги назоратга хабарномага» ва «ва Сўнгги назоратга хабарномани» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

18. 97 ва 107-бандлардан «ва Тасдиқнома» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

19. 98-банддаги «ордери ва Тасдиқномани» деган сўзлар «ордерини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 99-банддан иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

21. 101-банддаги «Тасдиқнома» деган сўз «Кирим ордери» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. 108-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Омонат дафтарчаси тўлиқ расмийлаштирилиб, имзолангандан сўнг нусха олинади ва сўнгги назоратга тақдим этилади.».

23. 110-банд «филиал раҳбари» деган сўзлардан кейин «ёки масъул ўринбосари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

24. 111-банддан иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

25. 112-банддан «ва Сўнгги назоратга хабарномага» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

26. 113-банддан «Сўнгги назоратга хабарномани тўлдиради ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

27. 115-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«115. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахс номига қўйилган омонат бўйича шахсий ҳисобварақ варақчасига назоратчи «Омонатни ота-она рухсати билан бошқариш», «Омонатни фарзандликка олувчилар рухсати билан бошқариш» ёки «Омонатни васий рухсати билан бошқариш» деган ёзувни киритади ва имзолайди. Бунда шахсий ҳисобварақ варақчасининг «омонатчи» сатрига омонатчи фақат ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин имзо қўяди.».

28. 116-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«116. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахс номига қўйилган омонат бўйича омонатчининг ота-онаси, фарзандликка олувчиси ёки васийси ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахснинг туғилган йили, ойи ва куни, омонатчининг ота-онаси, фарзандликка олувчиси ёки васийси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини шахсий ҳисобварақ варақчасига ёзади ва шахсий ҳисобварақ варақчасининг «омонатчи» сатрига имзо қўяди.».

29. 191-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«191. Омонат касса иш вақти тугагандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги марказий қўриқлаш пультига топширилиши лозим.».

30. 194-банддан «олинган хабарномалар асосида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

31. 3, 4, 6 ва 14-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

# «Алоқабанк» ва ОТБ: ҳамкорлик пойдевори йўлидаги келишув

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

*– «Алоқабанк» бизнинг Ўзбекистондаги кичик корхоналарни молиялаштириш бўйича янги ҳамкоримиз бўлаётганидан мамнунмиз, – дейди* ***ОТБнинг Савдони молиялаштириш дастури алоқалар менежери Нана Хуродзе.*** *– Дастуримиз 2004 йилдан ҳаётга татбиқ этилаётган бўлиб, бугунги кунгача унинг доирасида Ўзбекистоннинг 13 тижорат банки билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйдик. Ушбу йўналишда умумий қиймати 3,1 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган 1983 та савдо битими амалга оширилди. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётининг қатор тармоқлари ривожида молиявий дастак вазифасини бажарди.*

Савдони молиялаштириш дастури ОТБнинг «ААА» даражасидаги кредит рейтингига мувофиқ, 200 дан зиёд ҳамкор банклар учун кафиллик ва кредитларни тақдим этиб келмоқда. Бу ўз навбатида, ҳам Ўзбекистондаги, ҳам Осиё минтақаси давлатларининг кўпгина компанияларига импорт-экспорт фаолияти билан шуғулланишларида молиявий кўмак бўлмоқда. Савдони молиялаштириш бўйича махсус бириктирилган мутахассислар томонидан узлуксиз иш жараёнининг йўлга қўйилгани ва қўллаб-қувватланаётгани мазкур дастурни халқаро савдо жамоатчилигида пул маблағларига эҳтиёж мавжуд турли ҳудудлар бозорини ўз вақтида қаноатлантиришга қодир бўлган ҳамкор сифатида ном қозонишида муҳим омил бўлмоқда.

Бундан ташқари, дастурнинг муҳим жиҳатларидан яна бири савдони молиялаштириш, таваккалчиликларни бошқариш ва фирибгарлик билан боғлиқ амалиётларни бартараф этиш борасида мутахассислар билимини ва тажрибали эксперт сифатидаги кўникмасини ошириш учун турли семинар ҳамда тренингларни ташкил қилиши билан боғлиқдир. 2017 йилда дастур томонидан 4,5 млрд. доллар ҳажмидаги 3505 та битим бўйича савдо амалиёти молиялаштирилди.




**Тадбирдан сўнг мухбиримиз АТ «Алоқабанк» Бошқаруви раиси ўринбосари Ҳасан РАҲМАТОВ билан қисқача суҳбатлашди:**

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар, банк тизимидаги ўзгаришлар молия бозорининг ривожига туртки бўлмоқда. Ҳозирда тижорат банклари фаолиятида нуфузли халқаро молиявий-инвестициявий институтлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш устуворлик аҳамият касб этмоқда. Шу боис биз ҳам ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликка интилдик.

***– «Алоқабанк»нинг мазкур Дастур ижрочисига айланганидан келиб чиқиб, яқин истиқболда банкдан нималарни кутиш мумкин?***

– Мамлакатимиз тижорат банклари ҳозирги рақобат шароитидан келиб чиқиб, бизнесдаги мижозлари учун банк хизматлари доирасини кенгайтириш, юқори технологияли хизмат турларини жорий этиш орқали уларга барча қулайликларни ҳозирлашга ҳаракат қилмоқда. ОТБ каби ўз нуфузига эга халқаро молиявий институт билан ҳамкорлик банкимизга бугунги кундаги бозор механизмларига мос ҳолда фаолият олиб боришга хизмат қилади. Банкимиз мижозлари учун бу ижобий янгилик бўлиб, шу орқали улар иқтисодиётдаги бизнес жараёнларда янада фаоллик кўрсатишларига олиб келади.

***– «Алоқабанк» қайси хорижий йирик банклар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган?***

– Айни пайтда банкимиз Жаҳон банки гуруҳига кирувчи муассасалар, хусусан, Халқаро тараққиёт Ассоциацияси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, шунингдек, Кичик бизнесни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси билан хусусий бизнес ривожи учун кредит линияларини жалб этиш мақсадида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Савдони молиялаштириш йўналишида Европа ва Россия банклари билан ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилган. Ушбу йўналишда «Алоқабанк»нинг бошқа институтлар билан ҳамкорлиги 2011 йилда бошланган бўлиб, бугунги кунга қадар жами молиялаштириш ҳажми 28 млн. АҚШ долларини ташкил этмоқда.

**МАЪЛУМОТ УЧУН:**

АТ «Алоқабанк» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 1994 йилда ахборот-коммуникация технологиялари корхона ва ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. Бироқ миллий иқтисодиёт ривожи, тадбиркорлик тармоғининг кенгайиши ҳамда банк фаолиятининг узлуксиз тараққиёти фаолият доирасини янада кенгайтиришни тақозо этди.

Ҳозирда АТ «Алоқабанк» универсал тижорат банкларидан бири бўлиб, ҳамкорлар ва мижозлар билан мулоқот қилиш учун доимо очиқ ва бунинг натижасида банк кредит портфелининг ҳажми йилдан йилга муттасил ўсиб бормоқда. Банк ўз маҳсулотлари ва хизматларини турли тоифадаги мижозларининг қизиқиши ҳамда бозор тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқмоқда ва такомиллаштирмоқда.

Сўнгги йиллар давомида АТ «Алоқабанк» «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлигининг «Барқарор» даражадаги рейтинг баҳоларига сазовор бўлиб келмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган банкнинг 14 филиалдан иборат кенг тармоғи мавжуд. Мижозлар сони эса 374 мингтани ташкил қилмоқда.

Мамлакатимиз ОТБга 1995 йилда аъзо бўлгач, ўтган давр мобайнида жами 5,7 млрд. доллар миқдоридаги 63 та кредит ажратилган. Шундан хусусий сектор учун 225 млн. АҚШ доллари, инвестициялар кўринишида 6 млн. доллар, кафиллик шаклида 200 млн. доллар ҳамда техник кўмак гранти кўринишида 74 млн. доллар ўзлаштирилган.

ОТБ барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун мамлакатимиз ҳукумати билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2001 йилдан бери ОТБ лойиҳалари асосида 4,5 млн. дан зиёд аҳоли сув ва санитария хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. 2011 йилдан ОТБнинг қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши дастури томонидан молиялаштириши натижасида юртимизда 41 мингдан зиёд оилалар замонавий инфратузилма билан таъминланди.

*Бекзод АКРОМОВ.*

## БАНК ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ходимлари учун 2018 йил март ойида олий ўқув юртларида ўтказилиши режалаштирилган ўқув курслари ва семинарлар жадвали

| № | Ўқув курсининг номи | Ўқув курслари ўтказилиш муддати | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 5 мартдан 7 мартгача | 5 мартдан 10 мартгача | 12 мартдан 17 мартгача | 26 мартдан 31 мартгача |
| 1 | Молиявий ва кредит таҳлили | | ТМИ | | |
| 2 | Тижорат банкларида валюта операциялари ва уларнинг ҳисоби | | | ТМИ | |
| 3 | Ташкилотлар бўйича банкларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назорат бўйича халқаро стандартлар ва қонунчиликдаги миллий талаблар (3 кунлик курс) | | | | ТМИ |
| 4 | Тижорат банклари бўлинма ва филиаллари бошқарувчилари учун шарҳлаш курс: қонунчиликдаги ўзгаришлар, янгиликлар ва амалиёт | | БМА | | |
| 5 | Тижорат банклари бўлинма ва филиаллари бош бухгалтерлари учун шарҳлаш курс: қонунчиликдаги ўзгаришлар, янгиликлар ва амалиёт | | | БМА | |
| 6 | Замонавий банк иши ва Базель III талаблари | БМА | | | |
| 7 | Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз амалиётлар доирасини кенгайтириш ва сифатини ошириш | | | БМА | |
| 8 | Банк рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили сифатида мижозлар билан ишлаш самарадорлигини кучайтириш | | | ХМИРМ-Ў | |
| 9 | Тижорат банкларида кредит скоринги | | | ТДИУ | |
| 10 | Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ халқаро бухгалтерия ҳисоби | | | ТШСМРИ | |

# Банк кўмагидаги навбатдаги инновацион кластер



*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Лойиҳа уч босқичда амалга оширилади. Бунинг учун «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан 12 млрд. сўм (Хитой давлат тараққиёт банки кредит линиялари ҳисобидан 1,5 млн. АҚШ доллари) миқдоридаги имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилади.

Лойиҳа доирасида 3000 тонна қўй жунидан 1500 тонна соф хомашё, 400 тоннадан ортиқ тайёр ип-калава, 100 минг дона юмшоқ кўрпалар тайёрланиб, 1000 тонна жун толалари экспорт қилинади.

Унинг ишга туширилиши натижасида йилига 2 млрд. сўм ва хорижга 3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилиниб, жами 27 млрд. сўмлик сифатли маҳсулот тайёрланади. Вилоятнинг 200 нафар ёш йигит-қизи учун янги иш ўринлари яратилади.

***Ширин БАЙСЕНОВА.***

ҲАМКОРЛИК

# Ўзбекистон – Корея дўстлиги: тарих саҳифалари, истиқбол уфқлари

**Жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 26 йил тўлди. Шу муносабат билан Халқаро пресс-клуб томонидан «Ўзбекистон – Корея дўстлиги: тарих саҳифалари, истиқбол уфқлари» мавзуида анжуман ташкил этилди.**

Корея Республикаси мамлакатимиз мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган бўлиб, ўзаро дипломатик алоқаларни 1992 йил 29 январда йўлга қўйган. 2006 йилда Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисида Қўшма декларация имзоланган. Шу даврдан эътиборан икки мамлакат президентлари мунтазам учрашувлар ўтказмоқда. Бугунги кунгача ана шундай олий даражадаги давлат раҳбарлари учрашувлари 15 тани ташкил этади.

Анжуманда Кореянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси маслаҳатчиси Ким Дже Ун, Ўзбекистон – Корея Дўстлик жамияти раиси, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ректори Сарвар Бобоходжаев, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси бўлим бошлиғи Бахтиёр Каримов ва бошқалар иштирок этиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига қилган сўнгги ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларда янги саҳифани очиб берганлигини таъкидладилар. Ташриф доирасида савдо-иқтисодий, сармоявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларда қиймати 10 млрд. АҚШ долларидан зиёд бўлган 60 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланди. Улардан 4,5 млрд. доллари тўғридан-тўғри инвестициялардир.

*– Парламентлараро алмашинув муваффақиятли ривожланмоқда, – дейди* ***Бахтиёр Каримов.*** *– 1995 йилда Корея Республикаси Миллий Мажлиси ҳузурида Корея-Ўзбекистон дўстлик уюшмаси ташкил этилди. 2005 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Корея билан ҳамкорлик қилиш учун гуруҳ тузди. Икки мамлакат парламентлари мунтазам учрашувлар ўтказиб келмоқда, бу эса мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.*

Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар ўзаро қўллаб-қувватлаш руҳида ривожланиб бормоқда. 1992 йилги Савдо битимига мувофиқ, мамлакатлар ўртасида имкон қадар қулайлик яратиш тартиби ўрнатилган.

***(Давоми 8-бетда).***

# Мақсад – халқ розилиги

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Хўш, тадбиркорларимиз уларнинг хизматидан розими? Шуни билиш мақсадида айрим тадбиркорлар билан суҳбатлашдик.

– Бугун тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган барча масалалар тез фурсатда ҳал этилмоқда, – дейди **тадбиркор Искандар Мирсагатов.** – Бир қатор мажбурий тўловлар бекор қилиниб, солиқ имтиёзлари берилаётгани яна ҳам қувончлидир. Айниқса, банк тизимидаги янгиликлар, хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши бизни янада шижоат билан ишлашга ундамоқда. Мисол учун ўтган йили конвертация масаласининг ҳал этилиши кутилмаган воқеа бўлди. Бу кўплаб муаммоларнинг олдини олиб, эмин-эркин иш юритишга имкон яратди. Корхонамиз 20 йилдан буён ички бозорни озиқ-овқат, кийим-кечак маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида Германия, Хитой, Россия каби давлатлардан сифатли маҳсулотлар олиб келади. Шундай экан ўз-ўзидан ишимиз конвертация билан боғлиқ. Фаолиятимиз давомида валютани эркин йўлга қўйилмагани ишимизга салбий таъсир этган ҳолатлар кўп бўлган. Айниқса, қора бозордаги валюта курсининг ўзгариши қийнаб қўярди. Эндиликда эса бундай масалалар ортда қолиб, фаолиятимизнинг янада кенгайишига омил бўлаётир.

Тизимдаги ислоҳотлар балиқчилик тармоғини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бу ҳақда қаровсиз ерни обод қилиб, балиқчилик хўжалигига айлантирган **Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Авазали қишлоғида истиқомат қилувчи Назар Абдураҳмонов** шундай дейди:

– Мана беш йилдирки, **«Абдураҳмон чайқал балиқлари» балиқчилик фермер хўжалигини** оилавий юритиб келаман. 3 гектар ҳовузда балиқ етиштирамиз. Йилига 15-20 млн. сўм соф даромадимиз бор. Ишимизнинг бундай ривожида «Ипотека-банк» АТИБнинг ҳам улуши борлигини айтиш керак. Ўтган йили, хўжалик ишини юритиш учун маблағ зарур бўлиб қолди. Нима қилишни билмай, бирор кишидан сўрашга хижолат бўлдим. Бир танишим «Ипотека-банк»дан кредит олишни маслаҳат берди. Бироз ишонқирамай, «Ипотека-банк» АТИБнинг Самарқанд вилояти филиалига мурожаат қилдим. Улар молиявий қўллаб-қувватлашини айтиб, тегишли ҳужжатларни тўғрилашга ҳам кўмаклашишди. Қисқа муддатда 6 млн. сўм кредит беришди. Бу эса энг зарур пайтда ёрдам бўлди. Айни кунда кредитни ёпиб, янада кўпроқ миқдорда кредит олишни, хўжаликни кенгайтиришни ният қилганман.

*– Бугун юртимизда 30 га яқин тижорат банклари фаолият юритмоқда, – дейди* ***«Beverly Hills» МЧЖ раҳбари С.Абдуҳошимов.*** *– Ҳар бирининг иш услуби ҳам ўзига хос. Чунки улар ўртасида соф рақобат муҳити шаклланган. Неча йилдирки, мебель ишлаб чиқариш билан шуғулланаман. Шу йиллар мобайнида бир неча банк билан бирга ҳамкорлик қилдим. Ҳозирда «Давр-банк» ХАТБ билан ишлаяпмиз. Уларнинг тизимга инновациялар бўлмиш – интернет банкинг, мобиль банкинг, телеграм ботларнинг йўлга қўйгани бизнинг ишимизни енгиллаштирмоқда. Бирор хизмат билан мурожаат қилмайлик, нақд пул ёки бошқа масала бўладими, қисқа фурсатда ҳал қилиб беришади. Албатта, бундан мамнунмиз.*

***Бобур МУҲАММАДИЕВ.***

# Миллий банк кинематографияни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда

*(Давоми. Бошланиши 2-бетда).*

Бунда 10 та кинотеатр реконструкция қилиниши ҳамда ҳар бир вилоятда 2 тадан 70 ўринли 15 та 1 қаватли (умумий майдони 602 кв.м) ва 15 та 2 қаватли (умумий майдони 1069 кв.м) кинотеатр барпо этилиши, шунингдек, 150 ўринли 12 та ёзги очиқ кинотеатр (умумий майдони 400 кв.м) қурилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, жорий йилда Бухоро вилоятининг Бухоро ва Когон шаҳарларида ҳамда Жондор ва Ғиждувон туманларида 4 та 2 қаватли янги замонавий кинотеатр қурилади. Ушбу кинотеатрлар 2018 йилнинг 4-чорагида ишга туширилиб, натижада 70 та янги иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари, ТИФ Миллий банки «Ўзбеккино» миллий агентлиги билан ҳамкорликда республиканинг олис шаҳар ва қишлоқларида аҳолига миллий ҳамда хорижий бадиий ва ҳужжатли фильмларни намойиш этиш мақсадида замонавий жиҳозланган «Мобиль кинотеатр» лойиҳасини амалга оширишни ҳам мўлжаллаган.




Бунда 2 дона тиркамали кинотеатр олиб келиниб, улар орқали йилига 120-150 минг кишига хизмат кўрсатиш назарда тутилган. Мазкур лойиҳанинг афзаллиги шундаки, у 30 дақиқа оралиғида кинотеатр кўринишига келиб, электр энергияси бўлмаган тақдирда ҳам генератор ёрдамида ишлайди.

Банк томонидан, шунингдек, «Ўзавтосаноат» АЖ билан биргаликда ишлаб чиқилган «Киноклуб» лойиҳаси доирасида юртимиз бўйлаб кўчма кино намойишлари ташкил этилиши режалаштирилган. Бунинг учун махсус техника жиҳозлари (кинопроектор, киноэкран, колонка ва овоз кучайтиргичлар ҳамда бошқа зарур техника ускуналари билан)га эга бўлган 14 та «Дамас» русумли автотранспорт воситаси сотиб олинади.

Айтиш жоиз, бу шаҳар марказларидан олисдаги тоғли ҳудудлар аҳолисига замонавий хизмат кўрсатишни таъминлаши билан аҳамиятлидир.

***Назира МАВЛОНОВА.***

## Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси 2018 йил 12 февралдан 16 февралгача бўлган биржа (ички бозор) нархлари котировкаси

| Маҳсулотларнинг номи | Жорий котировка* (сўмда тоннаси учун) | Нархлардаги ўзгаришлар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | динамика | (сўмда) | (%) |
| Автобензин АИ-80 | 4 470 487 | ▼ | -409 554 | -8,4% |
| Автобензин АИ-91 | 5 667 026 | ▼ | -167 096 | -2,9% |
| Автобензин АИ-95 | 9 005 000 | ▲ | 94 454 | 1,1% |
| Азотли-олтингугурт ўғит (қопда) | 706 620 | ▼ | -10 | -0,001% |
| Азот-фосфор ўғит (қопда) | 1 067 934 | ▼ | -6 | -0,001% |
| Аммиак селитра (қопда) | 738 265 | – | 0 | 0% |
| Аммофос 46:10 (қадоқланмаган) | 2 784 940 | – | 0 | 0% |
| Арматура 25 ст 35 ГС | 5 639 953 | ▼ | -204 378 | -3,5% |
| Қурилиш битуми БН 90/10 | 4 189 521 | ▲ | 243 401 | 6,2% |
| Дизель ёқилғиси | 6 251 962 | ▲ | 28 660 | 0,5% |
| Қурилишга оид оҳак (қадоқланмаган) | 2 771 313 | – | 0 | 0% |
| Карбамид (қопда) | 1 177 841 | – | 0 | 0% |
| Квадрат 20 ст 0 СП | 7 479 000 | – | 0 | 0% |
| Техник керосин | 5 389 039 | ▲ | 4 800 | 0,1% |
| Озиқ-овқат сирка кислотаси 70% | 4 263 899 | ▼ | -11 986 | -0,3% |
| Нефть кокси | 1 688 360 | ▼ | -633 660 | -27,3% |
| Қумоқланмаган омухта ем | 2 710 000 | – | 0 | 0% |
| Ем аралашмаси | 680 676 | ▲ | 23 914 | 3,6% |
| Доира 120 ст 3 СП | 5 751 882 | – | 0 | 0% |
| Линт 1-нав тип Б (класс олий) | 3 080 550 | ▲ | 144 245 | 4,9% |
| Линт 2-нав тип Б (класс олий) | 2 410 070 | ▼ | -98 201 | -3,9% |
| Лист г.к 16х1500х6000 мм 3 сп пс5 | 7 790 000 | – | 0 | 0% |
| Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л | 8 256 839 | ▼ | -55 407 | -0,7% |
| Саноат мойи И-50А (литр) | 7 100 | ▼ | -400 | -5,3% |
| Синтетик мотор мойи DELCOR GTI SuperSAE15w40APICI-4 (литр) | 24 000 | – | 0 | 0% |
| Ўзбекистон ёғи | 8 525 684 | – | 0 | 0% |
| Гидроизоляцион битум-полимер мастика | 3 500 000 | – | 0 | 0% |
| Рулонли фольгали гидроизоляцион том ёпиш материали, қалинлиги 4 мм (кв.м) | 15 200 | – | 0 | 0% |
| Мис ўрамаси | 57 752 875 | ▼ | -1 228 832 | -2,1% |
| Буғдой уни 1-нав | 944 618 | ▲ | 2 335 | 0,2% |
| Буғдой уни олий нав | 1 349 328 | ▼ | -30 410 | -2,2% |
| Хўжалик совуни 70% (дона) | 2 289 | ▼ | -20 | -0,9% |
| Натрий бикарбонат – ош содаси 1-нав (қопда) | 2 900 339 | – | 0 | 0% |
| Полипропилен J320 | 12 662 507 | – | 0 | 0% |
| Полиэтилен F-0120 | 15 978 455 | ▼ | -15 410 | -0,1% |
| Портландцемент ССПЦ М-400 (қопда) | 551 940 | – | 0 | 0% |
| Сим 6,3 ст 3 | 7 840 704 | ▼ | -370 432 | -4,5% |
| Ем учун дон 3-класс | 892 041 | ▼ | -3 435 | -0,4% |
| Ем учун дон 4-класс | 787 344 | – | 0 | 0% |
| Ем учун дон 5-класс | 920 000 | – | 0 | 0% |
| Шакар | 4 319 910 | – | 0 | 0% |
| Шакар (импорт) | 4 450 100 | ▲ | 100 | 0,002% |
| Суюлтирилган газ | 1 481 889 | ▼ | -23 389 | -1,6% |
| Мойли солидол смазка | 12 600 037 | – | 0 | 0% |
| Кальцийлаштирилган сода (қопда) | 1 419 884 | ▼ | -17 | -0,001% |
| Техник туз | 202 590 | – | 0 | 0% |
| Алюминий қотишмалари АК7 | 14 820 777 | ▲ | 1 229 156 | 9,0% |
| Пўлат тунука г.к 6х1500х6000 | 7 560 000 | – | 0 | 0% |
| Пўлат сим ВР-1 д 5мм | 7 302 783 | – | 0 | 0% |
| Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм | 32 105 | ▲ | 212 | 0,7% |
| Шишали банка 3 л (дона) | 2 086 | ▲ | 49 | 2,4% |
| Сульфат аммоний (қадоқланмаган) | 767 748 | – | 0 | 0% |
| Калий сульфати (қадоқланмаган) | 5 675 550 | ▲ | 2 006 | 0,04% |
| Суперфосфат (қадоқланмаган) | 1 044 807 | ▼ | -358 079 | -25,5% |
| Труба 20х2,8 (метр) | 12 949 | – | 0 | 0% |
| Пўлат квадрат труба 100х100–4,0 мм (метр) | 98 885 | – | 0 | 0% |
| Бурчак 30 ст 5 СП | 6 088 999 | – | 0 | 0% |
| Кўмир СССШ-13 | 191 084 | ▲ | 21 785 | 12,9% |
| Швеллер 12 | 8 490 000 | – | 0 | 0% |
| Пахта чигити шелухаси | 529 077 | ▲ | 4 737 | 0,9% |
| Шифер 8 тўлқинли | 37 000 | ▲ | 682 | 1,9% |
| Шрот (кунгабоқар) | 1 022 412 | ▼ | -1 477 588 | -59,1% |
| Шрот (соя) | 4 000 000 | – | 0 | 0% |
| Пахта чигити шроти (кунжараси) | 1 104 040 | ▼ | -2 863 | -0,3% |
| Арпа | 1 392 567 | ▲ | 257 495 | 22,7% |

** Маҳсулотлар котировкаси охирги ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охирги савдолар натижалари асосида шакллантирилади.*

*Биржа листингини ўтказиш тартибига кўра, сўнгги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка варағидан чиқарилади.*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2018 йил 20 февралдан бошлаб ўрнатилган хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан расмий курси

| Валюта номи | Курс | Курсдаги ўзгаришлар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | динамика | (сўмда) | (%) |
| 1 АҚШ доллари | 8 182,73 | ▼ | -5,60 | -0,07% |
| 1 Евро | 10 158,86 | ▲ | 101,13 | 1,01% |
| 1 Россия рубли | 145,10 | ▲ | 4,14 | 2,94% |
| 1 Англия фунт стерлинги | 11 482,01 | ▲ | 132,98 | 1,17% |
| 1 Хитой юани | 1 289,88 | ▼ | -9,34 | -0,72% |
| 1 БАА дирҳами | 2 227,87 | ▼ | -1,52 | -0,07% |
| 1 Афғонистон афғониси | 118,78 | ▼ | -0,32 | -0,27% |
| 1 Австралия доллари | 6 480,72 | ▲ | 68,44 | 1,07% |
| 1 Бангладеш такаси | 98,73 | ▼ | -0,06 | -0,06% |
| 1 Болгария леви | 5 195,71 | ▲ | 51,64 | 1,00% |
| 1 Бразилия реали | 2 532,57 | ▲ | 47,42 | 1,91% |
| 1 Беларусь рубли | 4 185,54 | ▲ | 85,22 | 2,08% |
| 1 Канада доллари | 6 525,82 | ▲ | 8,01 | 0,12% |
| 1 Швейцария франки | 8 821,40 | ▲ | 92,77 | 1,06% |
| 1 Чехия кронаси | 400,96 | ▲ | 4,30 | 1,08% |
| 1 Миср фунти | 463,09 | ▼ | -0,84 | -0,18% |
| 1 Грузия лариси | 3 339,89 | ▼ | -22,87 | -0,68% |
| 1 Венгрия форинти | 32,66 | ▲ | 0,42 | 1,30% |
| 1 Исроил шекели | 2 310,66 | ▼ | -18,68 | -0,80% |
| 1 Ҳиндистон рупийси | 127,38 | ▼ | -0,04 | -0,03% |
| 1 Эрон риали | 0,22 | – | 0 | 0% |
| 1 Япония иенаси | 76,93 | ▲ | 1,58 | 2,10% |
| 1 Қирғизистон соми | 120,25 | ▲ | 0,63 | 0,53% |
| 1 Жанубий Корея вони | 7,66 | ▲ | 0,10 | 1,32% |
| 1 Қувайт динори | 27 334,99 | ▲ | 43,29 | 0,16% |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 25,62 | ▲ | 0,63 | 2,52% |
| 1 Малайзия ринггити | 2 105,69 | ▲ | 22,15 | 1,06% |
| 1 Польша злотийси | 2 443,85 | ▲ | 38,06 | 1,58% |
| 1 Сингапур доллари | 6 238,74 | ▲ | 60,27 | 0,98% |
| 1 Тожикистон сомониси | 927,78 | ▼ | -0,84 | -0,09% |
| 1 Туркманистон манати | 2 344,62 | ▼ | -1,61 | -0,07% |
| 1 Янги турк лираси | 2 184,16 | ▲ | 35,44 | 1,65% |
| 1 Украина гривнаси | 303,01 | ▼ | -0,04 | -0,01% |
| 1 СДР | 11 935,33 | ▲ | 107,29 | 0,91% |

## ЎзРВБ савдоларида АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатилган курси динамикаси

| Сана | USD/UZS | | | |
|---|---|---|---|---|
| | курс | динамика | ўзгариш | ўзгариш (%) |
| 2018 й. 19 январь | 8172,0 | ▲ | 5,00 | 0,06% |
| 2018 й. 22 январь | 8171,0 | ▼ | -1,00 | -0,01% |
| 2018 й. 23 январь | 8170,0 | ▼ | -1,00 | -0,01% |
| 2018 й. 24 январь | 8172,0 | ▲ | 2,00 | 0,02% |
| 2018 й. 25 январь | 8174,0 | ▲ | 2,00 | 0,02% |
| 2018 й. 26 январь | 8181,0 | ▲ | 7,00 | 0,09% |
| 2018 й. 29 январь | 8183,0 | ▲ | 2,00 | 0,02% |
| 2018 й. 30 январь | 8185,0 | ▲ | 2,00 | 0,02% |
| 2018 й. 31 январь | 8187,0 | ▲ | 2,00 | 0,02% |
| 2018 й. 1 февраль | 8189,0 | ▲ | 2,00 | 0,02% |
| 2018 й. 2 февраль | 8192,0 | ▲ | 3,00 | 0,04% |
| 2018 й. 5 февраль | 8192,0 | – | 0 | 0% |
| 2018 й. 6 февраль | 8189,0 | ▼ | -3,00 | -0,04% |
| 2018 й. 7 февраль | 8187,0 | ▼ | -2,00 | -0,02% |
| 2018 й. 8 февраль | 8187,0 | – | 0 | 0% |
| 2018 й. 9 февраль | 8188,0 | ▲ | 1,00 | 0,01% |
| 2018 й. 12 февраль | 8187,0 | ▼ | -1,00 | -0,01% |
| 2018 й. 13 февраль | 8183,0 | ▼ | -4,00 | -0,05% |
| 2018 й. 14 февраль | 8182,0 | ▼ | -1,00 | -0,01% |
| 2018 й. 15 февраль | 8182,0 | – | 0 | 0% |
| 2018 й. 16 февраль | 8180,0 | ▼ | -2,00 | -0,02% |
| 2018 й. 19 февраль | 8179,0 | ▼ | -1,00 | -0,01% |

*Ахборот ва статистика бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси (www.uzex.uz), ЎзР Марказий банки (www.cbu.uz) ва ЎзР Валюта биржаси (www.uzrvb.uz) маълумотлари асосида тайёрланди.*

СТАТИСТИКА

## «Тошкент» РФБ нархлари индекси

| Сана | Нарх | Ўзгариш | ҚҚ сони (бирлик-да) | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| **UCI** | | | | |
| 16.02.2018 | 1 013,22 | 0 | 0 | 0 |
| 15.02.2018 | 1 013,22 | ▲ 0,96 | 20 603 425 | 206 607 100 |
| 14.02.2018 | 1 012,26 | ▲ 1,26 | 102 845 | 81 940 975 |
| 13.02.2018 | 1 011,00 | 0 | 5 098 | 892 600 |
| 12.02.2018 | 1 011,00 | ▼ -0,14 | 1 929 | 27 888 900 |
| 09.02.2018 | 1 011,14 | 0 | 69 197 | 3 018 035 |
| 08.02.2018 | 1 011,14 | 0 | 45 788 | 27 251 470 |
| 07.02.2018 | 1 011,14 | 0 | 5 263 893 | 102 436 223 |
| 06.02.2018 | 1 011,14 | ▲ 1,90 | 20 292 | 3 978 160 |
| 05.02.2018 | 1 009,24 | ▲ 5,63 | 400 001 | 73 370 000 |
| **Молия сектори** | | | | |
| 16.02.2018 | 1 007,23 | 0 | 0 | 0 |
| 15.02.2018 | 1 007,23 | 0 | 20 603 260 | 206 232 600 |
| 14.02.2018 | 1 007,23 | 0 | 99 289 | 15 602 975 |
| 13.02.2018 | 1 007,23 | 0 | 5 000 | 775 000 |
| 12.02.2018 | 1 007,23 | ▼ -0,65 | 1 000 | 18 900 |
| 09.02.2018 | 1 007,88 | 0 | 69 197 | 3 018 035 |
| 08.02.2018 | 1 007,88 | 0 | 44 874 | 6 955 470 |
| 07.02.2018 | 1 007,88 | 0 | 5 263 157 | 99 999 983 |
| 06.02.2018 | 1 007,88 | ▼ -1,26 | 19 512 | 3 024 360 |
| 05.02.2018 | 1 009,14 | ▲ 1,26 | 400 000 | 73 200 000 |
| **Саноат** | | | | |
| 16.02.2018 | 1 196,26 | 0 | 0 | 0 |
| 15.02.2018 | 1 196,26 | ▲ 20,84 | 2 | 130 000 |
| 14.02.2018 | 1 175,42 | ▲ 27,89 | 1553 | 6 248 000 |
| 13.02.2018 | 1 147,53 | 0 | 0 | 0 |
| 12.02.2018 | 1 147,53 | 0 | 0 | 0 |
| 09.02.2018 | 1 147,53 | 0 | 0 | 0 |
| 08.02.2018 | 1 147,53 | 0 | 0 | 0 |
| 07.02.2018 | 1 147,53 | 0 | 540 | 2 201 040 |
| 06.02.2018 | 1 147,53 | 0 | 0 | 0 |
| 05.02.2018 | 1 147,53 | ▲ 118,05 | 1 | 170 000 |
| **Қурилиш сектори** | | | | |
| 16.02.2018 | 1 573,78 | 0 | 0 | 0 |
| 15.02.2018 | 1 573,78 | 0 | 0 | 0 |
| 14.02.2018 | 1 573,78 | 0 | 0 | 0 |
| 13.02.2018 | 1 573,78 | 0 | 98 | 117 600 |
| 12.02.2018 | 1 573,78 | 0 | 0 | 0 |
| 09.02.2018 | 1 573,78 | 0 | 0 | 0 |
| 08.02.2018 | 1 573,78 | 0 | 0 | 0 |
| 07.02.2018 | 1 573,78 | 0 | 196 | 235 200 |
| 06.02.2018 | 1 573,78 | ▲ 123,06 | 43 | 51 600 |
| 05.02.2018 | 1 450,72 | 0 | 0 | 0 |
| **Агросаноат мажмуаси** | | | | |
| 16.02.2018 | 1 476,55 | 0 | 0 | 0 |
| 15.02.2018 | 1 476,55 | 0 | 0 | 0 |
| 14.02.2018 | 1 476,55 | 0 | 0 | 0 |
| 13.02.2018 | 1 476,55 | 0 | 0 | 0 |
| 12.02.2018 | 1 476,55 | 0 | 0 | 0 |
| 09.02.2018 | 1 476,55 | 0 | 0 | 0 |
| 08.02.2018 | 1 476,55 | 0 | 0 | 0 |
| 07.02.2018 | 1 476,55 | 0 | 0 | 0 |
| 06.02.2018 | 1 476,55 | 0 | 0 | 0 |
| 05.02.2018 | 1 476,55 | 0 | 0 | 0 |
| **Ижтимоий соҳа** | | | | |
| 16.02.2018 | 1 062,12 | 0 | 0 | 0 |
| 15.02.2018 | 1 062,12 | ▲ 0,03 | 163 | 244 500 |
| 14.02.2018 | 1 062,09 | 0 | 0 | 0 |
| 13.02.2018 | 1 062,09 | 0 | 0 | 0 |
| 12.02.2018 | 1 062,09 | 0 | 0 | 0 |
| 09.02.2018 | 1 062,09 | 0 | 0 | 0 |
| 08.02.2018 | 1 062,09 | 0 | 0 | 0 |
| 07.02.2018 | 1 062,09 | 0 | 0 | 0 |
| 06.02.2018 | 1 062,09 | ▼ -0,01 | 476 | 476 000 |
| 05.02.2018 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| **Бошқа соҳалар** | | | | |
| 16.02.2018 | 1 555,18 | 0 | 0 | 0 |
| 15.02.2018 | 1 555,18 | 0 | 0 | 0 |
| 14.02.2018 | 1 555,18 | 0 | 2003 | 60 090 000 |
| 13.02.2018 | 1 555,18 | 0 | 0 | 0 |
| 12.02.2018 | 1 555,18 | 0 | 929 | 27 870 000 |
| 09.02.2018 | 1 555,18 | 0 | 0 | 0 |
| 08.02.2018 | 1 555,18 | 0 | 914 | 20 296 000 |
| 07.02.2018 | 1 555,18 | 0 | 0 | 0 |
| 06.02.2018 | 1 555,18 | ▲ 5,30 | 261 | 426 200 |
| 05.02.2018 | 1 549,88 | 0 | 0 | 0 |

## «Тошкент» РФБ савдолари якуни

| Сана | Эмитент | Майдон | Савдо нархи | ҚҚ сони | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|
| 13.02.2018 | «Qizilqumsement» АЖ | G1 | 1 200 | 18 | 21 600 |
| 13.02.2018 | «Qizilqumsement» АЖ | G1 | 1 200 | 80 | 96 000 |
| 13.02.2018 | ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | G1 | 155 | 5 000 | 775 000 |
| 14.02.2018 | «O'zbekgeofizika» АЖ | G1 | 1 144 | 875 | 1 001 000 |
| 14.02.2018 | «BGSQ» АЖ | G1 | 40 000 | 1 | 40 000 |
| 14.02.2018 | «Olchazor aziya» АЖ | G1 | 30 000 | 2 003 | 60 090 000 |
| 14.02.2018 | «Универсал банк» ХАТБ | G1 | 5 000 | 44 | 220 000 |
| 14.02.2018 | «Neft ta'minot» АЖ | NC | 4 000 | 424 | 1 696 000 |
| 14.02.2018 | «Neft ta'minot» АЖ | NC | 4 000 | 86 | 344 000 |
| 14.02.2018 | «Neft ta'minot» АЖ | NC | 4 000 | 40 | 160 000 |
| 14.02.2018 | «Neft ta'minot» АЖ | NC | 4 000 | 144 | 576 000 |
| 14.02.2018 | «Neft ta'minot» АЖ | NC | 4 000 | 288 | 1 152 000 |
| 14.02.2018 | «Neft ta'minot» АЖ | NC | 4 000 | 30 | 120 000 |
| 14.02.2018 | «Neft ta'minot» АЖ | NC | 4 000 | 144 | 576 000 |
| 14.02.2018 | «Neft ta'minot» АЖ | NC | 4 000 | 396 | 1 584 000 |
| 14.02.2018 | ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | G1 | 155 | 99 245 | 15 382 975 |
| 14.02.2018 | «Туронбанк» АТБ | G1 | 1 800 | 2 101 | 3 781 800 |
| 15.02.2018 | «Toshneftegazqurilish» АЖ | G1 | 65 000 | 2 | 130 000 |
| 15.02.2018 | «Ипак йўли» АИТБ | G1 | 12 | 100 000 | 1 200 000 |
| 15.02.2018 | «Ипак йўли» АИТБ | G1 | 10 | 20 503 260 | 205 032 600 |
| 15.02.2018 | «Namangan dori-darmon» АЖ | G1 | 1 500 | 163 | 244 500 |
| 16.02.2018 | «Олмалиқ ТМК» АЖ | G1 | 4 700 | 100 | 470 000 |
| 19.02.2018 | ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | G1 | 155 | 26 623 | 4 126 565 |
| 19.02.2018 | «Sarbon-Neftegaz» АЖ | G1 | 1 100 | 160 | 176 000 |
| 19.02.2018 | «Sarbon-Neftegaz» АЖ | G1 | 1 100 | 8 | 8 800 |
| 19.02.2018 | «Ипотека-банк» АТИБ | G1 | 5,2 | 10 000 | 52 000 |
| 19.02.2018 | «O'zneftgazqazibchiqarish» АЖ | G1 | 5 000 | 66 | 330 000 |
| 19.02.2018 | «O'zneftgazqazibchiqarish» АЖ | G1 | 5 000 | 23 | 115 000 |
| 19.02.2018 | ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | G1 | 155 | 3 611 | 559 705 |
| 19.02.2018 | ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | G1 | 155 | 950 | 147 250 |
| 19.02.2018 | ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | G1 | 155 | 1 000 | 155 000 |
| 19.02.2018 | ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | G1 | 155 | 50 000 | 7 750 000 |
| 19.02.2018 | ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | G1 | 155 | 3 000 | 465 000 |
| 19.02.2018 | ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | G1 | 155 | 42 475 | 6 583 625 |
| 19.02.2018 | ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | G1 | 160 | 400 | 64 000 |
| 19.02.2018 | ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | G1 | 186 | 250 | 46 500 |

**САВДОЛАР ҲАЖМИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ТОП-10 талиги,** 30 кун давомида

| | | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|
| № БИ - 00459 | «Depoinvesttrast» МЧЖ | 5 693 241 320 |
| № БИ - 00446 | «OSIYO SARMOYA DEPO» МЧЖ | 907 265 200 |
| № БИ - 00442 | «HAMKOR DEPO INVEST» МЧЖ | 393 251 853 |
| № БИ - 00382 | «DALAL STANDARD» МЧЖ | 328 536 683 |
| № БИ - 00450 | «BBD» МЧЖ | 160 576 100 |
| № БИ - 00472 | «NAYMON INVEST CONSULTING» МЧЖ | 143 332 963 |
| № БИ - 00460 | «TAT REESTR» МЧЖ | 24 080 400 |
| № БИ - 00412 | «Orient securities» МЧЖ | 22 999 500 |
| № БИ - 00454 | «Portfolio Investments» МЧЖ | 15 722 500 |
| № БИ - 00463 | «NEFTGAZDEPOZIT» МЧЖ | 7 942 800 |

**БИТИМЛАР СОНИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ТОП-10 талиги,** 30 кун давомида

| | | Битимлар сони (бирликда) |
|---|---|---|
| № БИ - 00442 | «HAMKOR DEPO INVEST» МЧЖ | 118 |
| № БИ - 00454 | «Portfolio Investments» МЧЖ | 27 |
| № БИ - 00472 | «NAYMON INVEST CONSULTING» МЧЖ | 21 |
| № БИ - 00382 | «DALAL STANDARD» МЧЖ | 18 |
| № БИ - 00450 | «BBD» МЧЖ | 14 |
| № БИ - 00463 | «NEFTGAZDEPOZIT» МЧЖ | 14 |
| № БИ - 00439 | «ТашИнвестКом» ХК | 11 |
| № БИ - 00460 | «TAT REESTR» МЧЖ | 11 |
| № БИ - 00447 | «Mulk-Sarmoya Brokerlik uyi» АЖ | 9 |
| № БИ - 00446 | «OSIYO SARMOYA DEPO» МЧЖ | 5 |

**БИТИМЛАР АЙЛАНМАСИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10 талиги,** 30 кун давомида

| Эмитент | Номинал қиймати (сўмда) | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|
| «Asia Alliance Bank» АТБ | 250 | 5 693 241 320 |
| «Ипак йўли» АИТБ | 10 | 454 232 600 |
| ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | 155 | 182 983 530 |
| «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ | 19 | 132 102 283 |
| «Olchazor aziya» АЖ | 5 000 | 107 160 000 |
| «Туронбанк» АТБ | 1 700 | 83 953 100 |
| «Qizilqumsement» АЖ | 1 570 | 16 544 400 |
| «O'zbekgeofizika» АЖ | 286,00 | 6 643 500 |
| «Neft ta'minot» АЖ | 4 000 | 6 208 000 |
| «Олмалиқ ТМК» АЖ | 3 914,00 | 3 183 200 |

**БИТИМЛАР СОНИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10 талиги,** 30 кун давомида

| Эмитент | Номинал қиймати (сўмда) | Битимлар сони (бирликда) |
|---|---|---|
| ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | 155 | 52 |
| «Qizilqumsement» АЖ | 1 570 | 17 |
| «Neft ta'minot» АЖ | 4 000 | 8 |
| «Туронбанк» АТБ | 1 700 | 8 |
| «Туркистон» ХАТБ | 1 000 | 6 |
| «Olchazor aziya» АЖ | 5 000 | 5 |
| «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ | 19 | 5 |
| «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ | 19 | 5 |
| «O'zbekgeofizika» АЖ | 286 | 4 |
| «Asia Alliance Bank» АТБ | 250 | 4 |

*Ахборот ва статистика бўлими томонидан «Тошкент» РФБ (www.uzse.uz) маълумотлари асосида тайёрланди.*

# Ўзбекистон – Корея дўстлиги: тарих саҳифалари, истиқбол уфқлари

*(Давоми. Бошланиши 5-бетда).*

Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2017 йил якунлари бўйича Корея Республикаси мамлакатимизнинг йирик савдо шериклари орасида бешинчи ўринни эгаллаган бўлиб, умумий ташқи савдо айланмасида 5 фоиз улушга эга бўлди. Миллий иқтисодиётимизга жалб қилинган Корея Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 7 млрд. доллардан ошди.

Энергетика соҳасидаги алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. 2016 йилда Жанубий Корея билан ҳамкорликда Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилди. Ушбу йирик лойиҳага 4 млрд. доллар миқдорида сармоя киритилган бўлиб, бу мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигининг ёрқин мисолидир.

Жанубий Кореяда юқори даражада ривожланган ва сармоядорлар учун жозибадор бўлган эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатади. Шу боис мазкур мамлакат мутахассислари Ўзбекистонда ана шундай ҳудудларни ташкил этиш, ривожлантириш ва шаҳарсозлик ишларига кўмаклашиш учун жалб қилинди.

Шунингдек, 2008 йилдан бери «Korean Air» авиакомпанияси Навоий аэропортида илғор технологиялар ва самарали бошқариш тизимларини ўрнатиб, у орқали юк ташишни амалга оширмоқда.

1997 йилдан эса «Daewoo Group» ва «Daewoo Securities» молиявий бўлимининг кенгайишида асос солинган «UzDaewoo» ЁАЖнинг сотиб олиниши натижасида «UzKDB Bank» ЁАЖ фаолияти бошланган.

2013 йилнинг 25 мартида «UzKDB Bank» ЁАЖ ва «RBS Uzbekistan» ЁАЖнинг интеграцияси муваффақиятли якунланиб, «КДБ Банк Ўзбекистон» АЖга асос солинган. Ҳозирда ушбу муассаса Ўзбекистон молия бозоридаги етакчи банклардан бири сифатида аҳолига замонавий кенг қамровли банк хизматларини тақдим этиб, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда қатнашмоқда.

***Finance.uz.***

ЭЪЛОН

## «МИКРОКРЕДИТБАНК»

### АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ўзининг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича Корпоратив бошқарув тўғрисидаги Кодексда белгиланган, тегишли талабларга жавоб берадиган ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларнинг 2018 йил 5 март куни соат 12.00 га қадар (конвертда) «Микрокредитбанк» АТБга тақдим этилиши талаб этилади:

– баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;
– ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;
– ташкилот уставининг нусхаси;
– баҳоловчи сифатида фаолият муддатини кўрсатган ҳолда тижорат таклифи;
– баҳоловчи ташкилот раҳбари ва ушбу ташкилот фаолият юритаётган ходимларнинг лицензияловчи орган томонидан берилган сертификати нусхаси;
– баҳоловчи ташкилотнинг хизмат тарифлари.

Манзил: 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси - 14.
Телефонлар: 202-99-99 ички 1012, 1014, 273-96-29.
«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Бошқаруви

Хизматлар лицензияланган.

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

# Шоир ва давлат арбобини ўрганиб

**Буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида «Буюк ўзбек шоири ва давлат арбобининг мероси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**





Унда академия профессор-ўқитувчилари, тингловчилари ҳамда адабиётшунос олимлар иштирок этди. Анжуманни академия ректори в.в.б. профессор А.Ш.Бекмуродов очиб, буюк бобокалонларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳар бир юртдошимизнинг бурчидир, айниқса академияда таълим олаётган ёшлар учун Бобур Мирзони билиш, унинг қолдирган меросини англаш, ўқиш катта маънавий озуқа бериши билан муҳимдир, дея таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг буюк алломa ҳаёти ва ижоди ҳақида Ўзбекистон Миллий университетининг «Мумтоз адабиёти» кафедраси профессори Ҳамидулла Болтабоев сўзга чиқиб, шоир ҳаётига оид сўнгги илмий маълумотлар билан таништирди. Унинг асарларидаги ўзига хос жиҳатлар ҳақида ҳам тўхталди.

Маълумотларга кўра, Бобур ўзининг илк ижодий фаолиятини Самарқандни иккинчи марта эгаллаган вақтда бошлангани ҳақида: «Ул фурсатларда бирор-иккирар байт айтур эдим», деб ёзади. Мана шу даврда уни илҳомлантирган ҳазрат Алишер Навоий эди. У зотнинг Бобурга атаб битган мактублари унга куч бағиш этарди. Шу боис кўпроқ ижод қилишни, илмини янада оширишни хоҳларди. Аммо ҳаёт у истагандек кечмади. Кўп вақтини жангу жадалларга сарф этди. Шундай бўлсада, ниҳоятда мураккаб ва хатарли шароитда ҳам ижодга имкон топди. Қисқа умри давомида 119 ғазал, 209 рубоий, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалар, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлар, девони таркибида умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавийни ёзиб қолдирди. Унинг номини дунёга машҳур қилган шоҳ асари эса «Бобурнома» ҳисобланади. «Бобурнома» – жаҳон адабиёти ва манбашунослигида муҳим ва ноёб ёдгорлик, ўзбек адабиётида дастлабки насрий мемуар ва тарихий-илмий асардир. У эски ўзбек (чиғатой) тилида ёзилган бўлиб, «Бобурия», «Воқеоти Бобур», «Воқеанома», «Тузуки Бобурий» номлари билан ҳам аталади. Шунингдек, у Ҳиндистон юришлари даврида «Мубаййин» асарини яратди. Маснавий тарзида ёзилган мазкур асар ислом ҳуқуқшунослиги ва шариат ақидаларига бағишланган бўлиб, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонга оид ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бўйича қизиқарли маълумотларни ҳам жамлаган.

Бобур меросини ўрганарканмиз, унинг адабиёт ва тарих, мусиқа ва санъатдан яхши хабардор бўлганини, диний таълимотга чин ихлос қўйганини билиш мумкин. Унинг улкан санъаткорлиги шундаки, шахсий кечинмаларини жиддий умумлашма даражасига кўтара олади ва натижада асарларида олға сурилган ғоялар умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилади. Ўз ижодида, хусусан, шеъриятида киндик қони тўкилган она юртини қўмсаш, унинг тупроғига талпиниш, ғариблик азобларидан ўтли ҳасрат, ёру диёр соғинчи ва висол илинжи, тақдир зарбалари ва турмуш уқубатлари, замона носозликларидан нола бадиий таҳлил этилади.

Давра суҳбатида шу каби кўплаб маълумотлар берилиб, Бобурнинг илмий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш бир зум ҳам тўхтаб қолгани йўқлиги ҳақида фикр юритилди. Унинг адабий меросидан ташқари ҳарб илми, давлат бошқаруви ҳақида ҳануз кўплаб илмий ишлар қилинмоқда. Шу боис Бобур Мирзонинг очилмаган қирраларига оид янги маълумотлар тўпланиб, илмий истеъмолга киритиб борилмоқда, дея сўзини якунлади Ҳ.Болтабоев.

***Бобур МУҲАММАДИЕВ.***

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки*

*«Norma Hamkor» МЧЖ*

*«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ*

БОШ МУҲАРРИР

*А.Н. НАЗАРОВ*

Нашр учун масъул

*З.М. ЭРНАЗАРОВА*

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

*Р.Л. ВАЛИЕВ*

Газета таҳририятнинг техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:
100060, Тошкент ш.,
Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.
e-mail: info@banknews.uz,
www.banknews.uz

**Реклама ва эълонлар учун 232-45-32 телефони орқали мурожаат қилинг. Факс: 232-43-98.**

Нашр индекси – 102.

*Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.*

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан **2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами** билан рўйхатга олинган.*

*Газета ҳафтада бир марта пайшанба куни чиқади.*

Буюртма № г 289.
Адади 6555 нусха.
*Нархи шартнома асосида.*
Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табоқда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 21.02.2018 й., 9.00.
1 2 3 4 5

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босмахонасида чоп этилди.** Корхона манзили: **Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**